

# **Оқимни йил давомида тақсимланиши**

## **Режа:**

1. Дарёларнинг сув режими фазалари.
2. Оқимнинг йил давомида тақсимланишига таъсир этувчи омиллар.
3. Музлик-кор сувларидан тўйинадиган дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланиши.
4. Кор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланиши.
5. Мавсумий кор ва кор-ёмғир сувларидан тўйинадиган дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланиши.

**Марузачи:**

**т.ф.н. Ф. Гаппаров**

# Дарёларнинг сув режими фазалари

Дарёлар сув режимининг йиллик ўзгаришини бир неча характерли қисмларга ажратиш мумкин. Улар *сув режими даврлари* деб номланади. Текислик районларида сув режимининг қуйидаги тўрт даври кузатилади:

- *баҳорги тўлинсув даври* (половодье),
- *ёзги кам сувли давр* (межень),
- *баҳорги ёки кузги тошқин даври* (паводок)
- *қишики кам сувли давр* (межень).

# Ўрта Осиёнинг йирик дарёларида сув режими даври


- Ўрта Осиёнинг йирик дарёларида асосан иккита давр, *баҳорги-ёзги тўлинсув даври* ва *кузги-қишики кам сувли давр* кузатилади.
- *Тўлинсув даври* деб, дарёда сувнинг кўпайиши ҳар йили деярли бир хил фаслда такрорланадиган ва узоқ вақт (2-6 ой) давом этадиган даврга айтилади.
- *Тошқин сув даври* деганда, дарё ҳавzasига ёқкан жала ёмғирлар натижасида дарёдаги сув сатҳи ва сарфининг жуда тез ортиши ва шундай кескин камайиши тушунилади.
- *Кам сувли давр*-дарёлар сув режимининг тўлинсув ва тошқин сув даврларига нисбатан кам сувлилиги билан фарқ қиласидиган даврdir.

## Оқимни йил давомида тақсимланишига таъсир этувчи омиллар

- Сув йиғилиш майдонининг баландлиги.
- Дарёларнинг тўйиниши.
- Илик кунларнинг бошланиши.
- Антрапоген таъсирлар.


# Музлик-кор сувларидан тўйинадиган дарёлар оқимининг йил давомида таҳсиланиши

- Музлик-кор сувларидан тўйинадиган, жуда баланд тоғлардан бошланадиган дарёларда (Амударё, Вахш, Зарафшон, Чуй, Или, Сўх, Исфара ва шулар каби бошқа дарёлар).
- Максимал сув сарфлари одатда йилнинг энг иссиқ даври, яъни июль-август ойларида ўтади.
- Минимал сув сарфлари ҳам кеч март-апрель ойларида кузатилади.



# Кор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар оқимининг йил ичида таҳсиланиши

- Кор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар, (Норин, Чирчик, Қорадарё ва Сирдарё каби дарёлар).
- Максимал сув сарфлари эртарок, кўпинча июнь ойида оқиб ўтади. Сув кўпайиши март ойларида бошланади.
- Энг кичик сув сарфлари эса одатда декабрь-февраль ойларида кузатилади.



# Қор ва қор-ёмғир сувларидан тўйинувчи дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланиши

- Қор-ёмғир сувларидан тўйинувчи дарёларга (Қашқадарё, Оҳангарон, Арис, Талас ва Калас дарёлар мисол бўла олади
- Сув энг кўп оқадиган вақти март-апрель ойларига тўғри келади.
- Ёзниг оҳирида (баъзан куз бошида) бу дарёларнинг сув сарфлари минимал даражада бўлади.
- Ўрта Осиё дарёларида умумий йиллик оқимнинг 20-80% гача бўлган қисми март-июнь оқиб ўтади.
- Мангу қор ва музликларнинг эриши, яъни тўлин сув даврида (июль-сентябрь) йиллик оқимнинг 60% дан ортик бўлган қисмини ташкил этади
- Сув энг кам бўладиган меженъ даврида (октябрь-февраль) Ўрта Осиёнинг деярли ҳамма дарёларида йиллик оқимни 10% дан 25% гача бўлган қисми оқиб ўтади.